

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУНЛАРИ**

— * —

**ЗАКОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
О ВЫБОРАХ**

Тошкент
«Адолат»
2014

УЎК: 341.223.4(575.1)(094.5)

КБК: 67.400.5(5Ў)

Ў-32

Ў-32 Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари / Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. — Тошкент: «Адолат». 2014. — 320 б.

ISBN 978-9943-4379-2-0

УЎК: 341.223.4(575.1)(094.5)

КБК 67.400.5(5Ў)

Нашр учун масъуллар:

- С. Артикова** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси ўринбосари
- М. Икрамов** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари

ISBN 978-9943-4379-2-0

- © Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2014.
- © Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик хузуридаги «Адолат» нашриёти, 2014.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУНЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3–4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда)

[К ў ч и р м а]

XXIII боб

САЙЛОВ ТИЗИМИ

117-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида

сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортик давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг такдими бўйича комиссия мажлисида сайланади. *(Олтинчи — тўққизинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрель ЎРҚ-366-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, 4-сон, 85-модда)*

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрель 470-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 3-4-сон, 27-модда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1994 йил, 5-сон, 127-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституция, ушбу Қонун ва бошқа қонунларда мустақамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга.

Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган ҳамда бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиш ҳуқуқига эга.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган ҳамда Қорақалпо-

ғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳоқимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. *(Учинчи — бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714—II-сон Қонунига мувофиқ, учинчи — олтинчи қисмлар билан алмаштирилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

5-модда. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди, сайлов тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган талаблар бундан мустаснодир.

6-модда. Сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳоқимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи қафолатланади.

7-модда. Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фуқароларга хоҳиш-иродани эркин ва яширин равишда билдириш имқониятини яратадилар.

Сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини назорат этишга йўл қўйилмайди.

8-модда. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

9-модда. Сайловчиларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан олдиндан танишиб чиқиш имқонияти таъминланади.

10-модда. Сайловчи сайловчилар рўйхатидаги хато ва ноаниқликлар тўғрисида сайлов комиссиясига арыз қилиш ҳуқуқига эга. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ҳамда ёки хатони тузатиши, ёки аризачига унинг аризаси асосли тарзда рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани бериши шарт.

11-модда. Бирор бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига вақтида қирмай қолган сайловчи унинг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан участка сайлов комиссияси томонидан рўйхатга киритилади.

12-модда. Сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчиларга ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи кафолатланади.

13-модда. Давлат ҳокимияти органлари сайловолди учрашувлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

14-модда. Бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

15-модда. Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

16-модда. Сайлов ҳуқуқига эга, бирон бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган, депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакили этиб кўрсатилмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлишлари мумкин.

17-модда. Овоз бериш куни сайловчиларга бузиб қўйилган сайлов бюллетенини янгиси билан алмаштириб олиш ҳуқуқи кафолатланади. Сайлов бюллетенини алмаштириб беришни тегишли участка сайлов комиссияси амалга оширади.

18-модда. Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Тегисли участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг талабига кўра белгиланган шаклда бўлган, депутатликка номзодлар тўғрисида тегишли маълумотлар қайд этилган сайлов варақаларини беради. Сайловчилар тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссияси аъзоларидан бирида қолдиришлари мумкин.

19-модда. Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

21-модда. Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди агитациясини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек хужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг

вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1994 йил 5 май,
1051–XII-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 1-сон, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда; 1999 йил, 9-сон, 206-модда; 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда; 2008 йил, 52-сон, 510-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 12/1-сон, 344-модда)

I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрь ўРҚ–306-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 12/1-сон, 344-модда)*

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

2-модда. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Рес-

публикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар. (*Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда*)

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш принциплари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси битта овозга эга.

4-модда. Сайловнинг сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

(*Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда*)

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тadbирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ўРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн беш кун олдин маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин беш кун ичида кузатувчи учун беради.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрса-тишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида hozir бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов кутиларининг жойлаштирилиши ва мухрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда hozir бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материал ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов кутиларини мухрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралаштириш.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг молиявий таъминоти

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда бе-

ришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Сайловни ўтказишнинг ушбу Қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

II боб. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ*

8-модда. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

9-модда. Сайлов округларини тузиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатларини сайловчилар сонини ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлигини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига камида етмиш беш кун қолганида эълон қилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

10-модда. Сайлов участкалари тузиш

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инobatга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги сайлов округларига киради.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, фу-

* II бобнинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда

қароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини сайлов округига бириктириш масаласи Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

11-модда. Сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий кўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш қуйидаги сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари.

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари, агар уларда комиссиянинг мажлис бўладиган кундаги мавжуд таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси:

1) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ҳамда тушунтиришлар бериб боради;

2) сайлов комиссиялари фаолиятини йўналтириб боради; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар ушбу Қонунга

зид бўлса, бекор қилади; сайлов комиссиялари таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

3) сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

4) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига биркитиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

4¹) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади; (*4¹-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ўРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда*)

5) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

6) оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясида иштирок этиши ва улардан ушбу Қонунга мувофиқ фойдаланилиши тартибини белгилайди;

7) пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди; сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

8) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенларининг ва варақаларининг, сайловчилар рўйхатининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг шаклларини, сайлов қутиларининг ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловга доир ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

9) давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади; (*9-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ўРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда*)

10) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олади, сайловнинг республика бўйича умумий яқунларини чиқаради, сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборотларни матбуотда эълон қилади;

10¹) сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида намунаси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган гувоҳнома топширади;

11) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқаради;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлиги ҳақидаги материалларни прокуратура органларига оширади;

13) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6 — 8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг ваколатлари

Округ сайлов комиссияси:

1) бутун округ ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;

2) сайлов участкаларини тузади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

4) сиёсий партиялар вакилларининг, сайлов округи ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади; (*4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда*)

5) сайловчиларнинг рўйхатлари тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

6) пул маблағларини участка сайлов комиссияларига тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

7) округ бўйича сайлов яқунларини чиқаради ва маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

8) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. (*Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда*)

17-модда. Участка сайлов комиссияларини тузиш

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5 — 19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузуридаги участка сайлов комиссияси раиси вазифасини ваколатхоналарнинг раҳбарлари амалга оширади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

18-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

- 1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;
- 2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда тегишли ўзгартишлар киритиш масаласини ҳал қилади;
- 3) сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилади;
- 4) сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилади;
- 5) овоз бериладиган бинолар ва сайлов кутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
- 6) сайлов куни сайлов участкасида овоз берилишини ташкил этади;
- 7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;
- 8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;
- 9) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

18¹-модда. Округ ва участка сайлов комиссияларига аъзолик

Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қили-

нади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

19-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш

Сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда улар қонуний ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул этилади. Комиссия қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда мажлис баёнига илова қилинади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарори ва ишидан норози бўлиб юқори сайлов комиссиясига, ушбу Қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса судга ариза бериш мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ сайлов ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқига комиссияни тузган орган эга бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифасини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланади.

Сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин. *(Бешинчи — тўққизинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг якунлари чиқарилганидан сўнг тўхтатади.

20-модда. Сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларида кўмаклашиш

Давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларига кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат ва жамоат идораларига, сиёсий партияларнинг идораларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир, улар эса ўртага қўйилган масалани кўриб чиқиб, уч кунлик муддатдан кечиктирмай сайлов комиссиясига жавоб қайтаришга мажбурдирлар.

21-модда. Фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Сайловчи бошқа сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

22-модда. Сайловчиларнинг рўйхати ва уни тузиш тартиби

Сайловчилар рўйхатини ҳар бир сайлов участкасида участка сайлов комиссияси тузади ҳамда унинг раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини рўйхат тузиш ишида қатнашишга жалб этиши мумкин.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишни таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган ноҳияларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар истиқомат жойидаги сайловчиларнинг рўйхатига умумий асосларда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Сайловчилар рўйхатида сайловчиларнинг фамилиялари овоз беришни уюштириш учун қулай тартибда кўрсатилади.

23-модда. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш ва сайловчилар рўйхатидаги ноаниқликлар ҳусусида шикоят қилиш ҳуқуқи

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабар беради. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имкони таъминланади.

Ҳар бир фуқарога рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Бу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, аризани участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафасида ва сайлов куни эса дарҳол кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритиши ёки аризага унинг талаби инobatга олинмаганлиги тўғрисидаги далил-исботли қарорнинг бир нусхасини бериши шарт. Комиссия қарори устидан туман (шаҳар) судига сайловдан кечи билан уч кун олдин шикоят қилиниши мумкин, туман (шаҳар) суди шикоятни икки кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбур. Туман (шаҳар) судининг қарори қатъийдир. Участка сайлов комиссияси суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига дарҳол тузатиш киритади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

III бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ, УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

24¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қўйидагиларни тақдим этиши лозим: сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза; Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар. *(Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

24²-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партиянинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйдагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулоти-нинг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари. Сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида беш фоизининг, камида саккизта маъмурий-худудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сиёсий партия ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини имзо тўплаган шахс ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сиёсий партиянинг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиядан у кўрсатган номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар қабул қилишни рад этади.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон ва 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон қонунлари таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда; 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхати ушбу Қонуннинг 24²-моддасида белгиланган ҳужжатлар асосида рўйхатга олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда эълон қилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Қуйидагилар:

қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар; ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этиш. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодликдан воз кечиш

Сиёсий партия у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан етти кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг*

2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия фаолиятини тугатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловга кечи билан етти кун қолганида номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-П-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

27-модда. Сайлов бюллетени

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайлов бюллетенига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тартибида киритилади.

Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак.

Марказий сайлов комиссиясининг фармойишига биноан сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида давлат тилида нашр этилади. Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини сайловга камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллетенларининг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка

сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

IV боб. САЙЛОВЛДИ ТАШВИҚОТИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ*

28-модда. Сайловолди ташвиқоти

Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилинади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади.

* IV бобнинг номи Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда.

(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

28¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда Марказий сайлов комиссиясини дарҳол хабардор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, шунингдек унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жой ва хизмат биноларини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-I-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

29-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳномалар беради. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

V боб. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

30-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайлов кунини соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги 82-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, шунингдек санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

31-модда. Овоз беришни ташкил этиш

Овоз бериш махсус ажратилган биналарда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз хоҳиш-истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биналарни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин участка сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутиларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз фамилияси рўпарасига имзо чекади.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг нусхасини Марказий сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиги ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

32-модда. Овоз беришни ўтказиш

Овоз берувчилар сайлов бюллетенларини яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирадилар. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссиясининг аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли.

Сайловчи сайлов бюллетенига, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (плюс) кўяди.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

33-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка комиссиясининг барча аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари ҳозирлигида очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва мазкур рўйхат иловаси бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетень олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар ва сайлов варақалари асосида комиссия овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, варақалар

сонини аниқлайди. Сайловчилар томонидан бюллетенларга ва варақаларга қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик (плюс) қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган бюллетенлар ва варақалар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлигига шубҳа турилган тақдирда масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва баённомада акс этирилади.

Баённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

34-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг баённомалари асосида округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ҳамда варақалари олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар ва варақалар сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссия мажлисида аниқланади ва баённомада акс этирилади. Баённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

35-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини аниқлаш

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида тузилган участка сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ҳамда варақалари олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккита номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг нисбий кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккитадан ортиқ номзод иштирок этган тақдирда, агар номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмаган бўлса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида турли сабаблар (номзоднинг ўлими, номзоднинг соғлиғи ҳолати сайловда иштирок этишни истисно этадиган даражада ёмонлашганлиги ёки Қонунда белгиланган бошқа сабабларга кўра унинг номзоди олинганлиги ва шунга ўхшаш сабаблар) натижасида биттагина номзод иштирок этган тақдирда, бу номзод, агар у овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 (ўттиз уч) фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

36-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини белгилаш тўғрисида

Сайлов вақтида ёхуд овозларни санаб чиқиш чоғида йўл қўйилган ҳамда овоз бериш яқунларига таъсир этган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим округлар ёхуд айрим сайлов

участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан овоз бериш яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тегишлидир.

Айрим округлар ёки участкаларда сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ана шу округлар, участкалар бўйича овоз бериш натижалари, башарти бу натижаларсиз ҳам сайлов умуман бўлиб ўтган деб топилиши мумкин бўлса, Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

37-модда. Такрорий овоз бериш

Такрорий овоз бериш кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинлайди. Такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Такрорий овоз беришда унда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоиизи ҳисобга олинмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

38-модда. Такрорий сайлов

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, шунингдек агар Ўзбекистон

Республикаси Президенти сайловида битта номзод иштирок этган бўлса ва у зарур микдорда овоз тўплай олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий сайлов ушбу Қонунда асосий сайловни ўтказиш учун белгиланган тартибда ҳамда ундаги шартларга риоя этилган ҳолда ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган аввали сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан кейин қирқ кун ичида ўтказилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

39-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари расмий тарзда эълон қилинган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимга киришгунга қадар бажаради.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1991 йил 18 ноябрь,
414–XII-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
2003 йил, 9-10-сон, 132-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда; 51-сон,
514-модда; 2008 йил, 52-сон, 510-модда;
2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
518–II-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

1-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишнинг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунини йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи

Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

4-модда. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати фуқаролар томонидан бевосита сайланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

5-модда. Яширин овоз бериш

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик

Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар (бундан буён матнда депутатликка номзодлар деб юритилади) хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов кунни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига (бундан буён матнда округ сайлов комиссиялари деб юритилади) сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичида беради. *(Тўртинчи — олтинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш; *(Еттинчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференциясида ҳозир бўлиш; *(Еттинчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ–340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутилари муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралаштириш.

2-боб. САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ВА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

7-модда. Сайлов округларини тузиш

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари (бундан буён матнда сайлов округлари деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловга камида етмиш беш кун қолганида эълон қилади.

8-модда. Сайлов участкалари тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган ердаги сайлов округига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамокда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига биркитиш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ўРҚ-340-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, алоҳида ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидаң иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

3-боб. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

9-модда. Сайлов комиссиялари тизими

Қонунчилик палатасига сайлов қуйидагилар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади:

Марказий сайлов комиссияси;
округ сайлов комиссиялари;
участка сайлов комиссиялари.

10-модда. Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

11-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссияси:

1) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Қонунинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ҳамда тушунтиришлар бериб боради;

2) сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

3) округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

4) сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, уларнинг таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди, округ сайлов комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар ушбу Қонунга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилиши мумкин;

5) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бирктиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

6) депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади; *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ўРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

7) депутатликка номзодларни рўйхатга олади;

8) депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

9) пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

10) Қонунчилик палатаси депутатлари сайловга доир сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг, сайловга доир бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, сайлов қутилари-нинг ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловга доир ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

11) сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

12) сайловнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий яқини чиқаради, сайланган депутатларни рўйхатга олади, Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов яқунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

13) депутатларга Қонунчилик палатаси депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

14) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

15) ушбу Қонун жиной жавобгарликка тортишга сабаб бўлаган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

16) сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивларга топширилишини таъминлайди;

17) ушбу Қонун ва бошқа қонунларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

12-модда. Оқруг сайлов комиссиясини тузиш

Оқруг сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади. Оқруг сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

13-модда. Оқруг сайлов комиссиясининг ваколатлари

Оқруг сайлов комиссияси:

1) сайлов оқруги ҳудудида ушбу Қонун ижросини назорат қилади;

2) сайлов участкаларини тузади, сайлов оқруги бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

3) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов оқругида сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

5) *(5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

6) *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

7) депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

8) Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради;

9) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

10) депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва бу вакилларга тегишли гувоҳномалар беради;

11) сиёсий партиялар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

12) сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма таънишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

13) сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари улар билан таъминланишини ташкил этади;

14) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

15) такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади;

16) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

17) ушбу Қонун ва бошқа қонунларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

14-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Участка сайлов комиссияси сайловга камида қирк кун қолганида беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади.

15-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

- 1) участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузади;
- 2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;
- 3) сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади;
- 4) аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;
- 5) овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
- 6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;
- 7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;
- 8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;
- 9) ушбу Қонун ва бошқа қонунларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик

Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофик, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келган тақдирда ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Депутатликка номзодлар сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

17-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати

Сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очик овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли биналар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туришлари шарт.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, улар комиссия томонидан қўйилган масалани кўпи билан уч кун ичида кўриб чиқишлари ва сайлов комиссиясига жавоб қайтаришлари шарт.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тугатилиши мумкин.

Округ ва участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

17¹-модда. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

18-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана

шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дархол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

4-боб. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ. ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

19-модда. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш

Сайлов кампанияси бошланганлиги аввалги чақириқ Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

20-модда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади. *(Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

21-модда. Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар

Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома-си; *(Биринчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

имзо варақалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

22-модда. Депутатликка сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатиш

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

Сиёсий партиялар депутатликка бир юз ўттиз беш нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)*

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

23-модда. *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда*

23¹-модда. **Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш**

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилади.

Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзоларни сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. *(Модданинг номи, биринчи ва иккинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Имзо варақлари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671–II-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)

24-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар

Сиёсий партиянинг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қўйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади; *(Биринчи қисмнинг биринчи — учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун та-

лабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

25-модда. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар

Қуйидагилар:

содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар; *(Иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

26-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Ушбу Қонунга мувофиқ депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида тегишли округ сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни депутатликка

номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилади. (*Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ўРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда*)

5-бoб. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ. ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

27-модда. Сайловолди ташвиқоти

Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

(*Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ўРҚ-340-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда*)

27¹-модда. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари

Сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади: сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуллари ҳам фойдаланиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

27²-модда. Сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш

Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

27³-модда. Сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориш

Сиёсий партияларга босма, кўргазмали, аудиовизуал материаллари, фонограммалари, босма махсулотнинг электрон шакллари ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратиб берилади. Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;

ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот.

Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

27⁴-модда. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

Сайловчилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Уларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тарикасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакиллари бошқа депутатликка номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

28-модда. Ишончли вакиллар

Депутатликка номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

29-модда. Депутатликка номзодларни сайловолди тадбирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиш

Депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

30-модда. Депутатликка номзоднинг транспортда текинга юриш ҳуқуқи

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортдан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан яшаш жойига қайтишда ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

31-модда. Депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш. Депутатликка номзодликдан воз кечиш

Сиёсий партия у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

6-боб. САЙЛОВЧИЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ. САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

32-модда. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлаган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакиллари жалб этиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ҳамда участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамокда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ўРҚ-340-сон Қону-*

ни таҳририда — *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда*)

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили кўрсатилади.

33-модда. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамокда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ўРҚ-340-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

34-модда. Сайловчилар рўйхатлари хусусида баҳслашув

Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арыз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

35-модда. Сайлов бюллетени

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилиб, унинг туғилган йили,

эгаллаб турган лавозими (машфулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ўРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

36-модда. Сайлов бюллетенларини етказиб бериш

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

7-БОБ. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

37-модда. Овоз бериш биноси

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тад-

бир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

38-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида сайловчиларни хабардор қилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамокда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

39-модда. Овоз беришнинг бошланиши

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

40-модда. Сайловчининг шахсини аниқлаш

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси қирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

41-модда. Овоз бериш тартиби

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хохишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларида бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли.

Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов кути-сига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиними, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, омавий ахборот воситалари вакилларида эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Кон-

вертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари кўйилиб, улар комиссиянинг мухри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек сайлов варақаларини сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонунига асосан бешинчи — ўнинчи қисмлар билан алмаштирилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

42-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш қатъиян тақиқланади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир депутатликка номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари ва варақаларига асосан участка сайлов комиссияси:

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; *(бешинчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекис-*

тон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Сайловчилар томонидан сайлов бюллетенлари ва варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топилди. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа тудирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

Сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиянинг ваколатли вакили иштирок этиши мумкин.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомада акс эттирилади. Шундан кейин баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади. Участка сайлов комиссиясининг баённомаси тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга. *(Саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонунига асосан саккизинчи — ўнинчи қисмлар билан алмаштирилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 510-модда)*

43-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Сайлов округлари бўйича сайлов натижалари фақат участка сайлов комиссияларининг тақдим этилган баённомалари асосида аниқланади. Округ сайлов комиссияси:

округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;
сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;
хар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; *(Биринчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*
ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва баённомада акс эттирилади. Баённома сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

44-модда. Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг натижаларини аниқлаш

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;
хар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; *(Биринчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*
ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган деб ҳисобланади.

Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан кам иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш яқунларига таъсир қилган қондабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Айрим сайлов участкаларида сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижаларисиз ҳам умуман сайлов ҳақиқий деб топилиши мумкин эканлиги инobatга олинган ҳолда бу натижалар Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов яқунлари бўйича баённома тузади ва қарор қабул қилади.

45-модда. Такрорий овоз бериш

Агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланади.

Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фойзи ҳисобга олинмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)

46-модда. Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови

Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

а) агар сайлов округида сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

б) агар такрорий овоз бериш Қонунчилик палатасига депутат сайланганлигини аниқлаш имконини бермаган бўлса;

в) агар сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови Марказий сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

47-модда. Бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини ўтказиш

Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Қонуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловга йигирма беш кун, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганида тугалланади.

Қонунчилик палатаси ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида Қонунчилик палатаси депутатининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

7¹-606. ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИДАН ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАРНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ*

47¹-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатларда сайланади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ҳамда ошкора амалга оширилади.

47²-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ҳамда 25-моддасида назарда тутилган талаблар қўйилади.

47³-модда. Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг вакили Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Рўйхатга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг мазкур ҳаракатдан Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш тўғрисидаги қарори;

* 7¹-606 Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда.

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органи мажлиси баённомасидан кўчирма, унда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, турилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи кўрсатилади;

сайланган депутатнинг депутат этиб рўйхатга олинган тақдирда бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг ҳужжатларни тақдим этган вакилига уларнинг қабул қилиб олинган санаси ва вақти кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг вакилига белгиланган тартибда маълум қилади.

47⁴-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларининг такрорий сайлови

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига депутатлар сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатларнинг такрорий сайлови ўтказилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларининг такрорий сайловини ўтказиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

47⁵-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган ёки бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда янги сайлов ўтказилади.

8-боб. ДЕПУТАТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

48-модда. Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар, Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг тегишли қарори асосида Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатларни хабардор этади.

Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясига Қонунчилик палатаси депутатининг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Депутат этиб сайланган шахслар, шу жумладан Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган шахслар Марказий сайлов Комиссияси томонидан рўйхатга олинган пайтдан эътиборан Қонунчилик палатаси депутати мақомига эга бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

49-модда. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг яқунларини эълон қилиш

Марказий сайлов комиссияси сайлов яқунлари тўғрисидаги ахбороти ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхатини депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исмини, турилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, сайлов округининг тартиб рақами ва номини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

50-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата) (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) ҳудудий вакил-

лик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенатнинг ваколат муддати — беш йил.

51-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади.

52-модда. Сенатга сайлов ўтказиш муддатлари

Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

53-модда. Сенат аъзолигига сайланадиган номзоларга қўйиладиган талаблар

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин.

54-модда. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисининг ваколатлилиги

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлиси, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

55-модда. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш, овоз беришни ўтказиш

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш, шунингдек овоз беришни ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

56-модда. Сенат аъзоларининг сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисда ҳозир бўлган депутатларининг эллик фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

57-модда. Такрорий овоз бериш

Агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун овозларнинг зарур миқдорини тўпламаган номзодлар бўйича давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ана шу қўшма мажлисининг ўзида такрорий овоз бериш ўтказилади.

58-модда. Сенат аъзолари сайловининг яқунлари

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённомалари асосида, бу баённома-

лар келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, Сенат аъзоларини рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида, овозларни санаб чиқишда, яширин овоз бериш натижаларини аниқлашда ушбу Қонун талаблари сайлов натижаларига таъсир қилган тарзда бузилишига йўл қўйилган бўлса, Марказий сайлов комиссияси Сенат аъзоларининг сайловини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

59-модда. Сенат аъзолари сайловининг яқунлари устидан шикоят бериш

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг Сенат аъзоларининг сайлови тўғрисидаги қарорлари устидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.

60-модда. Сенат аъзоларининг такрорий сайлови

Сенат аъзоларининг такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- а) агар сайлов ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;
- б) агар такрорий овоз бериш натижасида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг «б» бандида назарда тутилган ҳолларда такрорий сайлов сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун ўтказилади.

Сенат аъзоларининг такрорий сайлови Сенатга ўтказилган асосий сайловдан кейин кўпи билан ўн беш кунлик муддат ичида ўтказилади.

Сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ва такрорий сайлов ўтказиш ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

61-модда. Бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзоларининг сайловини ўтказиш

Бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзоларининг сайлови Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Сенат ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида Сенат аъзосининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга Сенатнинг янги аъзоси сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

62-модда. Сенатни шакллантириш яқунларини эълон қилиш

Марказий сайлов комиссияси Сенатни шакллантириш яқунлари тўғрисидаги ахборотни ва Сенат аъзоларининг рўйхатини уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

III. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

63-модда. Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони

Қонунчилик палатаси депутатига ва Сенат аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони намуналари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

64-модда. Сайловнинг молиявий таъминоти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жихатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

65-модда. Ушбу Қонунни бузганлик учун жавобгарлик

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ёки Сенат аъзолигига номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда; 1999 йил, 1-сон, 20-модда; 9-сон, 206-модда; 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда; 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда; 51-сон, 514-модда; 2008 йил, 52-сон, 510-модда; 2012 йил, 51-сон, 574-модда; 2014 йил, 4-сон, 45-модда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Сайлов ўтказишнинг асосий принциплари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга ўтказилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)

3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи

Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.
(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)

4-модда. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

5-модда. Яширин овоз бериш

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоши-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очик ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий

партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин беш кун ичида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилайдиган намунадаги мандатни кузатувчи учун беради. *(Бешинчи — олтинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Кузатувчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баёнларини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

башарти сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш. *(Еттинчи қисмнинг олтинчи хатбошии Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Кузатувчиларга қўйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш; *(Саққизинчи*

қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан уларнинг кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш; *(саккизинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов кутилари муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралаштириш.

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

II. САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ВА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

7-модда. Сайлов округлари тузиш

Депутатлар сайловини ўтказиш учун:

халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда — олтмиштадан кўп бўлмаган;

халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда — ўттиздан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Ҳар бир сайлов округидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, ҳудудни ва бошқа маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда ушбу Қонунда белгиланган нормалар доирасида тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланади.

Сайлов округлари тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан, қоида тариқасида, сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Сайлов округларининг чегаралари вилоятлар, ту-

манлар ва шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини инobatга олган ҳолда белгиланади.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловдан камида етмиш беш кун олдин эълон қилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ туманга бўйсунадиган шаҳарларда, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманларда халқ депутатлари Кенгашлари ва тегишли Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов округлари тузилмайди, депутатлар сайланмайди.

8-модда. Сайлов участкалари тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инobatга олган ҳолда тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади.

Санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамокда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округлари таркибига киради. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ–340-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан, ҳарбий қисмларда — ҳарбий қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловдан камида олтмиш кун олдин тузилади. Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса — истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади. *(Учинчи — бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Туман, шаҳар сайлов комиссияси сайлов участкаларининг тартиб рақамини белгилайди ҳамда участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

III. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

9-модда. Сайлов комиссиялари тизими

Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун:

ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси;

ҳалқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси;

ҳалқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси;

округ сайлов комиссиялари;

участка сайлов комиссиялари тузилади.

10-модда. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясини тузиш

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайловга камида саксон кун қолганида комиссиянинг раиси ва олти — ўн тўрт нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади ҳамда ўз ваколатларини тегишли халқ депутатлари Кенгашларига сайлов юзасидан навбатдаги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганга қадар амалга оширади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 134-модда)*

Комиссия раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссиянинг биринчи мажлисида унинг аъзолари орасидан сайланади. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ўз таркиби, жойлашган манзили ва телефон рақамларига доир маълумотларни расмий маҳаллий матбуот органларида эълон қилади.

11-модда. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг ваколатлари

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси:

1) тегишли ҳудудда ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди ва сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан изоҳлар бериб боради;

2) тегишинча халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

3) тегишли халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

4) тегишли сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, уларнинг таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди, округ ва участка сайлов комиссияларининг қарорларини, башарти, бу қарорлар ушбу Қонунга зид бўлса, мустақил тарзда ёки вилоят, туман, шаҳар прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилиши мумкин;

5) депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади; *(5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ўРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

6) тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олади ва улар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

7) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлайди;

8) пул маблағларини тегишли сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, сайлов комиссиялари бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

9) тегишли халқ депутатлари Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенлари, сайловчилар рўйхатлари, сайлов комиссиялари баёнлари, сайлов варақалари, ўз муҳри, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг шаклларини тасдиқлайди ва тайёрланишини таъминлайди;

10) сиёсий партиялар, маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари вакилларининг ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди; (10-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда* — *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда*)

11) тегишли халқ депутатлари Кенгашига ўтказилган сайлов яқунларини чиқаради, сайланган депутатларни рўйхатга олади, сайлов яқунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

12) депутатларга тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутати гувоҳномасини ва кўкрак нишонини беради; (12-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни таҳририда* — *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда*)

13) такрорий сайлов ўтказиш билан боғлиқ масалаларни халқ қилади;

14) тегишли сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

15) ушбу Қонун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

16) сайловни ўтказиш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивларга ўтказилишини таъминлайди;

17) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

12-модда. Оқруг сайлов комиссиясини тузиш

Оқруг сайлов комиссияси тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти — саккиз нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.

(*Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда* — *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда*)

13-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Округ сайлов комиссияси:

1) сайлов округи ҳудудида ушбу Қонун ижросини назорат қилади:
(1^а ва 1^б-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

2) сайлов участкаларининг манзилени округ сайловчилари эътиборига етказди;

3) депутатликка номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлайди;

4) тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодларга гувоҳномалар беради;

5) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

6) депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

7) сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади; (7-банд Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 134-модда)

8) сайловчиларнинг рўйхатлари тузилиши ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

9) сайлов округи бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди ва участка сайлов комиссияларини сайлов бюллетенлари билан таъминлайди;

10) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этади;

11) такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади;

12) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

13) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

14-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш

Участка сайлов комиссияси туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

15-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

- 1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;
- 2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;
- 3) сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов варақаси солинган ёпиқ ҳолдаги конвертларни қабул қилиб олади;
- 4) аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;
- 5) овоз бериш биноси ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
- 6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;
- 7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;
- 8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;
- 9) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят ва округ сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тасдиқланади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларининг аъзолари, шунингдек участка сайлов комиссияларининг аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тасдиқланади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилгани тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келгани тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганида сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

17-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати

Башарти, сайлов комиссиясининг мажлисида комиссиянинг мажлис ўтказилаётган кундаги мавжуд таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини билдиришга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баёнга илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссияларининг, шунингдек тегишли маҳаллий давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки аъзоларидан бошқа бири комиссиянинг қарорига биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишлари учун ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жихозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туришлари шарт. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли маҳаллий давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Улар кўпи билан уч кун ичида комиссия ўртага қўйган масалани қараб чиқишлари ва сайлов комиссиясига жавоб қайтаришлари шарт.

Округ ва участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятларини тўхтатадилар. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда)*

(Саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82–II-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда)

17¹-модда. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

18-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат этишлари мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим. Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

IV. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНГАНЛИгини ЭЪЛОН ҚИЛИШ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КўРСАТИШ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ*

19-модда. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сайлов кампанияси бошланганлиги депутатларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 134-модда)

* IV бобнинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 134-модда.

20-модда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРК-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

21-модда. Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар

Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

сиёсий партиянинг тегишли вилоят, туман, шаҳар органи раҳбари имзолаган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома; *(Биринчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРК-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ариза қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради. Сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш ёки бермаслик тўғрисида беш кун муддатда узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиши навбатига қараб тегишли вилоят, туман, шаҳар матбуотида эълон қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 134-модда)

22-модда. Депутатликка сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан номзодлар кўрсатиш

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтимиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугалланади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан кўрсатилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинларида (вакиллари йиғилишларида) кўрсатилади.

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Агар тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудида фуқароларнинг икки ва ундан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод фуқаролар вакилларининг йиғилишларида кўрсатилади. Йиғилишда иштирок этадиган вакиллар нормасини тегишли туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилайди.

Депутатликка, қоида тариқасида, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатилади. Бир шахс тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзодлар танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзлари белгилайдилар.

Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-III-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)*

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир. Депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамла-

кат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган шахслар кўрсатилади. Депутатликка номзодлар кўрсатилганлиги тўғрисида баённома тузилади. (Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январь ЎРҚ-365-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 4-сон, 45-модда)

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)

22¹-модда. *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

22²-модда. **Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар**

Сиёсий партия тегишли органининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия тегишли органининг, фуқаролар йиғинининг (вакиллари йиғилишининг) депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия тегишли органи мажлисининг, фуқаролар йиғини (вакиллари йиғилиши) депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

ушбу Қонун 23-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг, башарти улар депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисидаги аризалар

ри. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилади. *(Тўртинчи қисм 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

23-модда. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар

Қуйидагилар:

содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар; *(Биринчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган шахслар; *(Биринчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 134-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Судьялар, прокуратура органлари ва ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари бундан мустасно) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда)

24-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Ушбу Қонунга мувофиқ депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини (машғулотининг турини), иш ва турар жойини, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини кўрсатган ҳолда рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни маҳаллий матбуотда эълон қилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

V. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ. ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

25-модда. Сайловолди ташвиқоти

Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

25¹-модда. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари

Сайловолди ташвиқоти қўйидаги тарзда олиб борилади:

сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларида ҳам фойдаланиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ўРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

25²-модда. Сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш

Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ўРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

25³-модда. Сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориш

Сиёсий партияларга босма, кўргазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма махсулотнинг электрон шакллари ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратиб берилади. Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;

ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот.

Бионоларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

25⁴-модда. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

Сайловчилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Уларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаро-

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакиллари бошқа депутатликка номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)

26-модда. Ишончли вакиллар

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, маҳаллий давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакиллари ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

26¹-модда. Депутатликка номзодларни сайловолди тадбирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиш

Депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга

чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)

27-модда. Депутатликка номзоднинг транспортда текинга юриш ҳуқуқи

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлиги ва номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат пассажир транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортдан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан турар жойига қайтишда ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

28-модда. Депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш. Депутатликка номзодликдан воз кечиш

Сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс тегишли вилоят, туман ёки шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги таклиф киритиши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум

этади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ўРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтида номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

VI. САЙЛОВЧИЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ. САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

29-модда. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунига ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилиб, уни комиссия раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакиллари жалб этиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчиларни ҳисобга олишни таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги сайловчи-ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, башарти, улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг турар жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамокда сақлаш жойларида

тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарларининг тақдим этган маълумотлари асосида тузилади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ–340-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили акс эттирилади. *(Саккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

30-модда. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда, қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса — сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ–340-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

31-модда. Сайловчилар рўйхатлари хусусида баҳслашув

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига ариза қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони тузатиши ёки аризага унинг аризаси рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгилаб қўйилган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

32-модда. Сайлов бюллетени

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи кўрсатилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тунунтириш бўлиши керак. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда нашр этилади.

33-модда. Сайлов бюллетенларини етказиб бериш

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан кечи билан сайловга уч кун қолганида оладилар. Бюллетенлар берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-I-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

VII. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

34-модда. Овоз бериш биноси

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли микдордаги кабина ёки хоналар жиҳозланган, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

35-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни кечи билан сайловга ўн кун қолганида хабардор қилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, камокда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида, башарти, рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

36-модда. Овоз беришнинг бошланиши

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Раис сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенларини, сайловчиларнинг рўйхат-

ларини сайлов комиссияси аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Бюллетенларнинг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

37-модда. Сайловчининг шахсини аниқлаш

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирор-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

38-модда. Овоз бериш тартиби

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларида бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги — крестик қўяди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

Тўлдирилган сайлов бюллетенини овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олинishi, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек сайлов варақаларини сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ўРҚ–340-сон Қонунига асосан бешинчи — ўнинчи қисмлар билан алмаштирилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

39-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари иштирокида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланил-

маган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Сайлов қутилари комиссия раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш қатъиян тақиқланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетени ва варақаси олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида тегишли халқ депутатлари Кенгашига сайлов бўйича ҳар бир сайлов округи ва ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари ва варақаларига асосан участка сайлов комиссияси (мазкур сайлов участкаси доирасидаги ҳар бир сайлов округи бўйича): *(Бешинчи қисмнинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; *(Бешинчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Сайловчилар томонидан сайлов бюллетенлари ва варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетени, варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа тугдирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали

ҳал этилади. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-сон)*

Сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиянинг ваколатли вакили иштирок этиши мумкин.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомада акс эттирилади. Шундан кейин баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади. Участка сайлов комиссиясининг баённомаси тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга. *(Саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ-194-сон Қонунига мувофиқ саккизинчи — ўнинчи қисмлар билан алмаштирилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

40-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Сайлов округлари бўйича сайлов натижалари фақат участка сайлов комиссияларининг тақдим этилган баённомалари асосида аниқланади. Округ сайлов комиссияси: *(биринчи қисмнинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 134-модда)*

округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

хар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозларнинг сонини; *(биринчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва баёнда ақс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этилади.

41-модда. Депутатлар сайловининг натижаларини аниқлаш

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баёнлар асосида:

вилоят, туман, шаҳар бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

хар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозларнинг сонини; *(Биринчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

(Биринчи қисмнинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82–II-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда)

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланади.

Башарти, сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса — сайлов ўтмаган деб топилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)*

Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов умуман вилоят, туман, шаҳар бўйича ёки айрим сайлов округлари, ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ўтмаган деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Айрим сайлов участкалари бўйича сайлов ҳақиқий эмас деб топилгани тақдирда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижалари, башарти, бу натижаларсиз ҳам сайлов умуман ҳақиқий деб топилиши мумкин бўлса, сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сайлов яқунлари бўйича баён тузади ва қарор қабул қилади.

42-модда. Такрорий овоз бериш

Башарти, сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу хусусда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш икки ҳафта ичида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фойизи ҳисобга олинмайди. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714–II-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

43-модда. Такрорий сайлов

Қуйидаги ҳолларда:

а) башарти, сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

б) башарти, такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса;

в) башарти, сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса, такрорий сайловлар ўтказилади. *(Биринчи қисмнинг «в» банди Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август 809–I-сон*

Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 206-модда)

г) *(биринчи қисмнинг «г» банди Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август 809–I-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 206-модда)*

Такрорий сайлов тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кечи билан бир ой ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

44-модда. Бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказиш

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат қақриб олинган тақдирда, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Сайлов тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайлов ўтказилишига кечи билан бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Қонуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловга йигирма беш кун қолганида, участка сайлов комиссиялари эса — ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганида тўхтатилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда)*

Тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида депу-

татнинг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

VIII. ДЕПУТАТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

45-модда. Депутатларни рўйхатга олиш

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баёнлар асосида сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда уларни хабардор этади.

Ушбу Қонун 23-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутати этиб сайлансалар, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига депутатнинг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммаларидан соқит қилганликлари тўғрисида ёзма равишда маълум қилишлари шарт.

(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август 809-1-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 206-модда)

46-модда. Депутатлар сайловининг якунларини эълон қилиш

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси алифбо тартибида депутатларнинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, турилган йилини, партиёга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини (машғулотининг турини), иш ва турар жойини, сайлов округининг тартиб рақами ва номини кўрсатган ҳолда кўпи билан ўн кун ичида матбуотда эълон қилинади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

47-модда. Депутатнинг гувоҳномаси ва кўкрак нишони

Депутатга халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан берилади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони намунаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотно-маси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда)

48-модда. Сайловнинг молиявий таъминоти

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сайлови-га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Депутатликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари сайлов кампаниясида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 август 520–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотно-маси, 2003 йил, 9–10-сон, 134-модда)

49-модда. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш тартибини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотлар эълон қилган ёки уларни ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш кунни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрь ЎРҚ-340-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда)*

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1994 йил 5 май,
1050—XII-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 95-модда; 1999 йил, 1-сон, 20-модда; 9-сон, 206-модда; 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда; 2008 йил, 52-сон, 510-модда; 2014 йил, 36-сон, 452-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)*

(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ–373-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)

2-модда. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ–373-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)*

Марказий сайлов комиссияси ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга қўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган.

2¹-модда. Мустақиллик*

Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий мойиллар ва бошқа ёт таъсирлардан ҳоли бўлган ўз нуқтаи назарини билдиради.

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига аралаштишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

2²-модда. Қонунийлик

Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, сайлов, референдум тўғрисидаги қонунларга ҳамда бошқа қонунларга амал қилади.

2³-модда. Коллегиаллик

Масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш Марказий сайлов комиссияси томонидан коллегиал тарзда амалга оширилади.

2⁴-модда. Ошкоралик

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини ошкора амалга оширади. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари очик ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан ва ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

2⁵-модда. Адолатлилик

Марказий сайлов комиссияси номзодларни, сиёсий партияларни сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитлар билан таъминлаш, сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда

* 2¹–2⁵-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ–373-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда.

уларни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов, референдум якуналарини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

3-модда. Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланадилар.

(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ-373-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)

4-модда. Марказий сайлов комиссиясига аъзолик

Йигирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловни, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамда камида охириги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳар-

бий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ–373-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)*

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоллигига номзод этиб, ишончли вакил этиб рўйхатга олинган Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тўхтатилиши мумкин:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)*

Марказий сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига биноан унда доимий асосда ишлаши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. *(Сак-*

кизинчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ-373-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)*

4¹-модда. Марказий сайлов комиссияси аъзосининг гувоҳномаси

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси тегишли гувоҳномага эга бўлади.

Марказий сайлов комиссияси Раиси ва унинг ўринбосарининг гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Марказий сайлов комиссияси бошқа аъзоларининг гувоҳномаси эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси томонидан имзоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ-373-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)

5-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади; *(Учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари дои-

расида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низома-ларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради;

сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга бирктиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар беради;

сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига ҳамда референдум ўтказувчи комиссияларга, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этишини молиялаштириш учун тақсимлайди, бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов ҳамда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади; *(Ўн биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ-373-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)*

сиёсий партияларнинг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди; *(Ўн иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил*

25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)

тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади; (*Ўн тўртинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ЎРҚ–194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича конференциясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади. (*Ўн бешинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ–373-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шaroитларни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг ва сайлов варақаларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шакллари, овоз бериш қутиларининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди; (*Ўн саккизинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ–373-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)*

сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

сайловнинг ва референдумнинг якуини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади; *(Йигирманчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабр ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенати аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлови ўтказилишини ташкил этади;

сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенатининг аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

сайловдан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини қонунда белгиланган тартибда чақиради;

сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенатининг аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган

тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

бошқа мамлакатларнинг сайлов органлари, халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади, чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан учрашувлар ташкил этади, ҳамкорлик тўғрисида битимлар, меморандумлар тузади;

хорижий мамлакатлардаги сайловларни кузатишда, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибида кузатишда иштирок этади;

халқаро ташкилотларни, хорижий мамлакатларнинг сайлов органларини мамлакатимиздаги сайловларни кузатиш учун таклиф этади, ўз вакиллари кузатувчиларнинг миссиялари таркибига юборади;

сайлов ва референдумни ташкил этиш, ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди;

Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини тасдиқлайди;

жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. *(Йигирма саккизинчи, йигирма тўққизинчи ва ўттининчи хатбошилар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ-373-сон Қонунига мувофиқ йигирма саккизинчи — ўттининчи хатбошилар билан алмаштирилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)*

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)

6-модда. Марказий сайлов комиссияси Раисининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси:

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, комиссиянинг аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида иштирок этиш учун давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, ташкилотларнинг вакиллари ва бошқа мансабдор шахсларни таклиф этади;

давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда Марказий сайлов комиссияси номидан иш кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек референдум якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ахборот беради; *(Олтинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)*

Марказий сайлов комиссиясининг қарорларини ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлайди ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади; *(Еттинчи ва саккизинчи хатбошилар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ–373-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)*

тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг биринчи мажлисини очади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади;

ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади. *(Тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)*

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси ўз ваколатларини бажа-ришининг имкони бўлмаган тақдирда, шунингдек Раис бўлмаганида, Раиснинг вазифалари Раис ўринбосарига ёки Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан комиссия аъзоларидан бирига юкланади.

7-модда. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари

Марказий сайлов комиссияси ишининг ташкилий кўриниши унинг мажлислари ҳисобланиб, улар заруратга қараб ўтказилади. Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий миқдорининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари очик овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий миқдорининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

8-модда. Марказий сайлов комиссияси мажлисининг баённомаси

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида баённома юритилиб, у раислик қилувчи ва Марказий сайлов комиссиясининг котиби томонидан имзоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ-373-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)*

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари алоҳида фикр билдиришга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. *(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)*

9-модда. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, бу қарорлар Раис томонидан имзоланади ва матбуотда эълон қилиниши лозим.

10-модда. Марказий сайлов комиссияси қарорларининг мажбурийлиги

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат негизорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)

11-модда. Марказий сайлов комиссиясининг мурожаатларини кўриб чиқиш

Марказий сайлов комиссияси сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, бошқа мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, улар масалани кўриб чиқишлари ва уч кун ичида жавоб беришлари шарт.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)

12-модда. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан шикоят бериш

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериш мумкин. Шикоят тушган пайтдан эътиборан уч кун ичида, агар сайлов ёки референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса — дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

13-модда. Марказий сайлов комиссиясининг Котибияти

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини таъминлаш учун унинг Котибияти тузилади.

Котибият ишига Марказий сайлов комиссиясининг котиби раҳбарлик қилади.

Котибиятнинг тузилиши, штатлари ва унинг иш тартибини Марказий сайлов комиссиясининг Раиси тасдиқлайди.

14-модда. Марказий сайлов комиссиясининг Регламенти

Марказий сайлов комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби унинг Регламентида белгиланади.

15-модда. Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш

Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига алоҳида сатрда назарда тутилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ–373-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда)

16-модда. Марказий сайлов комиссиясининг муҳри

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.
Марказий сайлов комиссияси юридик шахс ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1998 йил 30 апрель,
613-I-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 36-модда; 1999 йил, 9-сон, 229-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 287-модда; 2007 йил, 15-сон, 153-модда; 2008 йил, 52-сон, 510, 513-модда; 2014 йил, 4-сон, 45-модда)

1-модда. Сиёсий партия тушунчаси

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштарақлиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

2-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек ўз уставлари асосида амалга оширадилар.

3-модда. Сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хошиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Қуйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади:

конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи;

Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи;

урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;

халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи;
миллий ва диний руҳдаги партиялар.

4-модда. Сиёсий партияларга аъзолик

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин.

Партияга мансублигига кўра фуқаронинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш, худди шунингдек унга имтиёзлар ёки устунликлар бериш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика барча фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишининг кафили сифатида президентлик ваколатларини бажариш муддати давомида сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни тўхтатиб туриши ёхуд бутунлай тўхтатиши шарт.

Қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар:
судьялар;

прокурорлар ва прокуратура терговчилари;

ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари;
ҳарбий хизматчилар;

хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Сиёсий партияларга аъзолик яқка тартибда қайд этилади.

5-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг кафолатлари

Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашилари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга ошириляётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар ташкилотларининг тадбирлари асосан улар аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партиялар маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий иш берувчиларнинг ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши ман этилади.

Сиёсий партиялар аппарати ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

6-модда. Сиёсий партияни тузиш

Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида эллик кишидан иборат бўлиши, улар партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съезди ёки конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим.

Ташкилий қўмита ўзи тузилган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўз ташаббуси, қўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съезди ёки конференцияси чақирилادиган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим.

Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

Сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади.

Таъсис съезди ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қилади, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.

7-модда. Сиёсий партиянинг устави

Сиёсий партиянинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши лозим: партиянинг номи, мақсади ва вазифалари; партиянинг тузилиши;

партия аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиби;

партия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

партия ва унинг ташкилотлари раҳбар органларининг ваколатлари ҳамда уларни тузиш (чақириш) тартиби, уларнинг ваколат муддатлари;

партия раҳбар органларининг фаолиятини назорат қилиш тартиби;

партия ва унинг ташкилотлари маблағларини шакллантириш ҳамда бошқа мол-мулкани сотиб олиш манбалари;

партия раҳбар органи жойлашган манзил;

партия устави ва дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

партия фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тўхтатиш тартиби.

Уставда партия фаолиятига оид бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

8-модда. Сиёсий партияларни рўйхатга олиш

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун устав қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида қуйидагилар тақдим этилади:

партия раҳбар органининг камида уч аъзоси имзолаган ариза; устав;

дастур;

таъсис съезди ёки конференциясининг баёни;

давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати; *(Иккинчи қисмнинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-197-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 513-модда)*

ушбу Қонун талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан мазкур партиёга бирлашиш истагини билдирган йигирма минг нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзлари имзо қўйган рўйхати, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, турар жойи ва иш жойи, телефон рақами), раҳбар орган аъзоларига ваколатлар, шу жумладан

рўйхатдан ўтказиш жараёнида ёхуд мунозаралар келиб чиққан тақдирда судда партия номидан иштирок этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисидаги партия олий органининг қарори. *(Иккинчи қисмнинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижаларига биноан сиёсий партияни рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарор қабул қилинган, узоғи билан уч кун муддат ичида у сиёсий партия раҳбар органига берилади ёки почта орқали жўнатилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832–I-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Сиёсий партиялар уставларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар уларнинг уставларини рўйхатга олиш учун ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва муддатларда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Сиёсий партия рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

9-модда. Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш

Агар сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуби Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.

Сиёсий партияни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларининг қайси қоидаларига зид эканлигини кўрсатган ҳолда бу ҳусусда партия раҳбар органининг ваколатли аъзосига ёзма тарзда хабар қилади. Ушбу сиёсий партия раҳбар органининг ваколатли аъзолари рўйхатга олиш рад этилганлиги тўғрисида хабарнома олинган кундан эътиборан бир ой ичида ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига бутунлай мувофиқ ҳолга келтирган тақдирдагина партияни

рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига такрор мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

10-модда. Сиёсий партиянинг фаолиятини тўхтатиб туриш

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-ни, ушбу Қонунни, бошқа қонун ҳужжатларини ёки ўз уставини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларининг ёки уставнинг қайси нормалари бузилганлигини кўрсатган ҳолда бу хусусда партия раҳбар органларига ёзма тарзда хабар қилади ва бундай бузишларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Агар бузишлар белгиланган муддат давомида бартараф этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди сиёсий партиянинг фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриши мумкин.

Сиёсий партиянинг фаолияти тўхтатиб турилган тақдирда, шу муддат давомида партиянинг ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши, сайловларда иштирок этиши ман қилинади.

11-модда. Сиёсий партиянинг фаолиятини тугатиш

Сиёсий партиянинг фаолияти қуйидаги тарзда тугатилади:

партиянинг ўз уставига мувофиқ тарқалиб кетиши орқали, бу ҳақда партия олий органи уч кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хабар қилади;

партия ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган ҳолларда ёки ўз фаолияти тўхтатиб қўйилганидан сўнг бир йил муддат ичида ўша хатти-ҳаракатларни такрор содир этган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги расмий хабари оммавий ах-

борот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб сиёсий партиянинг фаолияти тугайди.

12-модда. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари

Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз гоёлари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Сиёсий партиялар ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Фракциялар фракциянинг раҳбари берган тегишли ариза ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш; *(иккинчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрель ўРҚ–90-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 153-модда)*

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидagi ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш;

Қонунчилик палатасининг Спикер ўринбосарлигига, қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар кириштиш; *(иккинчи қисмнинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрель ўРҚ–90-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 153-модда)*

Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазибаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига киради.

Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони томонидан таъминланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель 621–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 287-модда)

13¹-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат. Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазибаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта сиёсий партия-

лар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь ўРҚ-194-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда)*

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрель ўРҚ-90-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 153-модда)

14-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари Кенгашидаги партия гуруҳлари

Партия гуруҳи — сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари Кенгашида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган депутат фақат шу партиядинг партиядоғу аъзоси бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидоғи ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партиядоғу аъзоси сиёсий партиядоғу томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Партиядоғу аъзоси партиядоғу аъзоси раъбарининг тегишли аризаси ва таъсис хужжатларига асосан тегишли раъвишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан рўйхатга олинадидоғи.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидоғи, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда шаҳарлар (вилоятлар марказлари) Кенгашларидаги партиядоғу аъзоси уларда тегишли сиёсий партиядоғи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган камида беш нафар депутат бирлашган тақдирда тузилади.

Партиядоғу аъзоси ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.

Партиядоғу аъзосининг фаолияти қуйидоғи ҳолларда тугатиллади: партиядоғу аъзосининг ўз ташаббуси билан;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддати тугаганда; партиядоғу аъзоси таркибига кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда; тегишли сиёсий партиядинг фаолияти тугатилганда.

(Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январь ўРҚ-365-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 йил, 4-сон, 45-модда)

14¹-модда. Партиядоғу аъзосининг ҳуқуқлари

Партиядоғу аъзоси қуйидоғи ҳуқуқларга эга: давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини тузишда иштирок этиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидоғи ҳар бир масала бўйича музокараларда партиядоғу аъзоси вакилига сўз берилишини кафолатлаш;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш;

тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқига эга.

Партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифи албатта кўриб чиқилади.

Партия гуруҳлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия гуруҳлари фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш Жўқорғи Кенгесининг девони томонидан, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш эса, ҳокимликларнинг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан таъминланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январь ЎРҚ-365-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 4-сон, 45-модда)

15-модда. Сиёсий партиялар мулки

Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, нашриётлар, транспорт воситалари, шунингдек уставида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бошқа мол-мулк сиёсий партияларнинг мулки бўлиши мумкин.

Сиёсий партияларни молиялаштириш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Сиёсий партиялар фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Сиёсий партиянинг тадбиркорлик фаолияти натижалари унинг молиявий ҳисоботида акс эттирилиши керак.

Сиёсий партияларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлари партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиб боради ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Сиёсий партияларнинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель 621–II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 287-модда)

16-модда. *(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель 621–II-сон Қонуни билан чиқарилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 287-модда)*

17-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини назорат қилиш

Сиёсий партияларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига муво-

фиқлигини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги назорат қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 декабрь,
№ 337-І.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2004 йил, 21-сон, 248-модда)*

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари

Сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

кириш ва аъзолик бадаллари, агар сиёсий партиянинг уставида бундай бадаллар тўлаш назарда тутилган бўлса;

қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан ушбу Қонунга мувофиқ бериладиган хайрия ёрдами.

4-модда. Сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принциплари

Қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принципларидир.

5-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг барча учун очиқлиги

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг мазкур партиялар аъзолари ва жамоатчилик учун очиқлиги сиёсий партияларнинг ўзи томонидан таъминланади.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши ҳажми ва манбалари ҳақида ахборот эълон қилиб туриши керак.

6-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ва бошқа маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланиши

Сиёсий партиялар молиявий ва бошқа маблағлардан қонунда ҳамда уставларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланади. Бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг мол-мулки ва пул маблағлари сиёсий партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Сиёсий партияларга, уларнинг муассасалари ва ташкилотларига банк муассасаларида биттадан ортиқ ҳисоб-китоб варағига, шунингдек чет эл банкларида ҳисобварақларга эга бўлиш тақиқланади.

II. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ

7-модда. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш

Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайлов яқунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йил-

лик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январига ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охириги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдориди шакллантирилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган давлат маблағларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик палатасига охириги сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган натижалари асосида бу маблағларни олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида олган депутатлик ўринлари миқдорига мутаносиб равишда тақсимлайди.

8-модда. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини давлат томонидан молиялаштириш

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга; Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга; сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Агар Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари бўйича сиёсий партия фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа манбалардан олган маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши керак.

9-модда. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутилади.

10-модда. Давлат томонидан молиялаштириш манбаи ва уни ажратиш тартиби

Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағларидир.

Сиёсий партияларни молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари сиёсий партияларнинг ҳисоб-китоб варақларига белгиланган тартибда ўтказилади.

Молия йили учун ажратилган, лекин шу йил мобайнида сиёсий партия томонидан фойдаланилмаган давлат маблағлари молия йили тугаганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши керак.

Сиёсий партия давлат маблағларини олишдан воз кечишга ҳақли.

11-модда. Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш

Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштириш партия фаолияти тўхтатиб турилган ёки тугатилган тақдирда тўхтатиб турилади ёхуд тугатилади.

Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун қуйидагилар ҳам асос бўлиши мумкин:

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда сиёсий партиянинг қайта ташкил этилганлиги (бошқа сиёсий партияларга қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бундан мустасно);

ушбу Қонуннинг 16 ва 17-моддаларида назарда тутилган талабларнинг сиёсий партия томонидан бажарилмаганлиги;

сиёсий партия давлат маблағларидан белгиланмаган мақсадда фойдаланганлиги, шу жумладан уставда назарда тутилган фаолияти учун ажратилган маблағлардан сайловда иштирок этишни молиялаштириш учун фойдаланганлиги.

Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қабул қилинади. Давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор устидан сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиши мумкин.

Сиёсий партия қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганда сиёсий партиянинг ҳуқуқий вориси давлат томонидан молиялаштирилиш ҳуқуқига эга бўлади.

III. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

12-модда. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёрдами олиш ҳуқуқи

Сиёсий партия хайрия ёрдами фақат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида ва

фақат уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан хайрия ёрдами бериш ихтиёрий равишда ва уларнинг фақат ўз маблағларидан амалга оширилади, ушбу Қонун 15-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган манбалардан олинган маблағлар бундан мустасно.

Ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган чеклашлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ходимлари сифатида оладиган иш ҳақига татбиқ этилмайди.

Сиёсий партия хайрия ёрдамини қабул қилишни рад этишга ҳақли.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан бериладиган хайрия ёрдами

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир юридик шахсидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдамини беришда уни сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига юридик шахслар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қоидаларида назарда тутилган реқвизитларни кўрсатган ҳолда ўтказди ва тўлов топшириқномасида ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган хайрия ёрдами беришга чеклашлар йўқлиги ҳақида белги қўяди.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суммадан ортиқроқ бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичида сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан бериладиган хайрия ёрдами

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир фуқаросидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг

кам иш ҳақининг беш юз бараваридан ошмаслиги лозим. Ушбу чеклаш сиёсий партия аъзолари партия уставига асосан тўлайдиган аъзолик бадалларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдами беришда уни сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига шахсан, паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни тақдим этган ҳамда тўлов топшириқномасида ёхуд пул жўнатмасида фамилияси, исми, отасининг исми ва паспортига оид маълумотларни кўрсатган ҳолда ўз маблағларидан ўтказади.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суммадан ортиқроқ бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичида сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.

15-модда. Сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришдаги чеклашлар

Сиёсий партияларга пул маблағлари шаклидаги, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тариқасидаги (шу жумладан грантлар ажратиш, техник ёрдам кўрсатиш, сафарлар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўтказиладиган тренинглар, семинарлар, конференциялар билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш орқали) хайрия ёрдами қуйидагилар томонидан берилишига йўл қўйилмайди:

чет давлатлар;

чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;

халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар;

чет эл фуқаролари;

фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдами берилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган хайрия ёрдами олинган кундан эътиборан бир ой ичида хайрия ёрдами берувчига қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган такдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим.

IV. МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРНИНГ КЕЛИБ ТУШИШИ ҲАМДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ УЛАРДАН БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДДА ФОЙДАЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

16-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ҳисобдорлиги

Сиёсий партиялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий ҳамда бухгалтерия ҳисобдорлигини амалга оширади.

Сиёсий партия ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига ҳисобот даврида келиб тушган маблағларнинг манбалари ва миқдорлари тўғрисидаги, шу маблағларнинг сарфланиши ҳақидаги, сиёсий партиянинг қиймати ҳам кўрсатилган молмулки тўғрисидаги, шунингдек мазкур партиянинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёрдами пул маблағларидан бошқа шаклда олинган такдирда, сиёсий партия уни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ пул ифодасида баҳолайди ва тегишли маълумотларни, шу жумладан хайрия ёрдами берувчи ҳақидаги маълумотларни сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботига киритади.

Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида давлат маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши алоҳида қисмда назарда тутилади. Бунда сиёсий партия томонидан Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади.

17-модда. Сиёсий партияларнинг молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилади ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Сиёсий партиянинг ҳисоботига унинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини ва уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ҳисобот йилида партиянинг ҳисоб-китоб варағига келиб тушган ҳамда сарфланган давлат маблағлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг хулосаси илова қилинади.

Сиёсий партиянинг молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботи оммавий ахборот воситалари ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилган ҳолда кўриб чиқилади.

18-модда. Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партиялар томонидан сарфланиши устидан назорат

Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси амалга оширади.

Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушишини ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланишини текшириш Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида ўндан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳининг мурожаатига биноан Қонунчилик палатаси томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

19-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш масалалари юзасидан давлат органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Сиёсий партия ўз фаолиятининг молиялаштирилиши масалалари юзасидан тегишли давлат органларининг қарорлари ва улар

мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиши мумкин.

20-модда. Низоларни ҳал қилиш

Сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

21-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 апрель,
617-П-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова)*

[К ў ч и р м а]

272-модда. Сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриш муддати ва тартиби

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланок дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда)

[К ў ч и р м а]

V¹ боб. САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК*

51²-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралаш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралаш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51³-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, —

* V¹-боб Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрь ЎРҚ-373-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда.

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁴-модда. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁵-модда. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш

Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш, —

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁶-модда. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш

Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁷-модда. Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш

Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга

тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁸-модда. Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш

Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁹-модда. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш

Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 1-модда)

[К ў ч и р м а]

146-модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳуж- жатларини бузиш

Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақти-да мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

147-модда. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил- лар ваколатларининг амалга оширилиши- га тўсқинлик қилиш

Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамок ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

М У Н Д А Р И Ж А:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси [Кўчирма]	5
Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 1994 йил 5 майдаги 1051–XII-сон Қонуни	7
Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги 1991 йил 18 ноябрдаги 414–XII-сон Қонуни	12
Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2003 йил 29 августдаги 518–II-сон Қонуни	42
Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири)	43
Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги 1994 йил 5 майдаги 1050–XII-сон Қонуни	83
Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрелдаги 613–I-сон Қонуни	120
Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрдаги 337–I-сон Қонуни	133
Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 30 апрелдаги 617–II-сон Қонуни	146

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси [Кўчирма]	156
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси [Кўчирма]	157
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [Кўчирма]	160

УДК 342.01:62

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ КОМИССИЯ
ПО ВЫБОРАМ

ЗАКОНЫ

РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О ВЫБОРАХ

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

(Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1993 г., № 1, ст. 4; 1994 г., № 1, ст. 5; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2003 г., № 3-4, ст. 27; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2007 г., № 4, ст. 162; 2008 г., № 12, ст. 637; 2011 г., № 4, ст. 100, № 12/1, ст. 343; 2014 г., № 4, ст. 85)

[И з в л е ч е н и е]

Глава XXIII

ИЗБИРАТЕЛЬНАЯ СИСТЕМА

Статья 117. Граждане Республики Узбекистан имеют право избирать и быть избранными в представительные органы государственной власти. Каждый избиратель имеет один голос. Право голоса, равенство и свобода волеизъявления гарантируются законом.

Выборы Президента Республики Узбекистан, в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Жокаргы Кенес Республики Каракалпакстан, в представительные органы государственной власти областей, районов, городов проводятся соответственно в год истечения конституционного срока их полномочий — в первое воскресенье третьей декады декабря. Выборы проводятся на основе всеобщего, равного и прямого избирательного права при тайном голосовании. Право избирать имеют граждане Республики Узбекистан, достигшие восемнадцати лет.

Члены Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан избираются тайным голосованием на соответствующих совместных заседаниях депутатов Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, представительных органов государственной власти областей, районов и городов из числа этих депутатов не позднее месячного срока после их избрания.

Не могут быть избранными и не участвуют в выборах граждане, признанные судом недееспособными, а также лица, содержащиеся в местах лишения свободы по приговору суда. В любых других случаях прямое или косвенное ограничение избирательных прав граждан не допускается.

Гражданин Республики Узбекистан не может быть одновременно депутатом более чем в двух представительных органах государственной власти.

Для организации и проведения выборов Президента Республики Узбекистан, в Олий Мажлис Республики Узбекистан, а также референдума Республики Узбекистан Олий Мажлисом Республики Узбекистан образуется Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан, основными принципами деятельности которой являются независимость, законность, коллегиальность, гласность и справедливость.

Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан осуществляет свою деятельность на постоянной основе и в своей деятельности руководствуется Конституцией Республики Узбекистан, законами о выборах и референдуме Республики Узбекистан и другими законодательными актами.

Члены Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан избираются Законодательной палатой и Сенатом Олий Мажлиса Республики Узбекистан по рекомендации Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, областных и Ташкентского городского Кенгашей народных депутатов.

Председатель Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан избирается из числа ее членов по представлению Президента Республики Узбекистан на заседании комиссии. *(Части шестая — девятая введены Законом Республики Узбекистан от 16 апреля 2014 года № ЗРУ-366 — Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2014 г., № 4, ст. 85)*

Порядок проведения выборов определяется законом.

(В редакции Закона Республики Узбекистан от 24 апреля 2003 года № 470-II — Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2003 г., № 3-4, ст. 27)

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О ГАРАНТИЯХ ИЗБИРАТЕЛЬНЫХ ПРАВ ГРАЖДАН

(Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1994 г., № 5, ст. 127; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 51, ст. 514)

Статья 1. Граждане Республики Узбекистан имеют право участвовать в управлении делами общества и государства как непосредственно, так и через своих представителей. Это право осуществляется посредством участия граждан в референдумах, выборах Президента Республики Узбекистан и представительных органов власти.

Статья 2. Избирательные права граждан Республики Узбекистан, закрепленные Конституцией, настоящим Законом и другими законодательными актами, находятся под защитой государства.

Статья 3. Граждане Республики Узбекистан независимо от происхождения, социального и имущественного положения, расовой и национальной принадлежности, пола, образования, языка, отношения к религии, рода и характера занятий обладают равным избирательным правом.

Статья 4. Граждане Республики Узбекистан имеют право избирать и быть избранными.

Право избирать имеют граждане Республики Узбекистан, достигшие 18 лет. Каждый гражданин-избиратель имеет один голос.

Правом быть избранным Президентом Республики Узбекистан обладает гражданин Республики Узбекистан не моложе тридцати пяти лет, свободно владеющий государственным языком и постоянно проживающий на территории Узбекистана не менее десяти лет непосредственно перед выборами.

Правом быть избранным в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан обладают граждане Республики Узбекистан, достигшие ко дню выборов двадцати пяти лет и постоянно проживающие на территории Республики Узбекистан не менее пяти лет.

